O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

«Ўз ўтмишини улуғлайдиган, бугунини эъзозлайдиган миллатнинг эртанги куни ҳамиша порлоқ бўлади ».

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 30-avgust • Payshanba • 106 (27.751) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 август куни Оқсаройда Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередовни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, бугунги учрашув Ўзбекистон — Туркманистон муносабатлари изчил ривожланиб бораётганидан далолат беришини таъкидлади.

Ўзбек ва туркман халқлари асрлар давомида ёнма-ён яшаб келади. Истиқлол йилларида Ўзбекистон ва Туркманистон раҳбарларининг бир неча бор олий даражадаги учрашувлари ўтказилди. Бу саммитлар мамлакатларимизнинг янгича асосдаги муносабатларига тамал тошини қўйди ва унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлади. Бугун Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги муносабатлар 1996 йилда имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам ҳамда 2004 йили қўл қўйилган Дўстлик, ишончни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги шартномалар руҳида ривожланмоқда.

МДҲнинг жорий йил июнь ойида Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган норасмий саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳаммедов учрашиб, ўзаро муносабатларнинг истиқболи, минтақавий ҳамкорлик, иқтисодий интеграция ва хавфсизликка доир масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасида 1996 йилдан буён Узоқ муддатли савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги ҳукуматлараро битим амал қилмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2006 йилда 47 миллион, жорий йилнинг январь-июнь ойларида эса 32,6 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Икки томонлама савдода озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги, органик ва ноорганик кимё маҳсулотлари, қурилиш материаллари, турли хилдаги асбоб-ускуна ва қурилмалар асосий ўрин тутади. Ўзбекистонда ҳам, Туркманистонда ҳам ўзаро ҳамкорликда тузилган қатор қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Нефть-газ саноати ва транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ.

Гуманитар соҳадаги алоқалар ҳам изчил ривожланмоқда. Икки мамлакатнинг маданият ва санъат намояндалари Ўзбекистон ва Туркманистонда ўтказиладиган фестиваль ва кўргазмаларда, йирик конференциялар, симпозиум ва семинарларда мунтазам қатнашиб келади. Туркманистон санъаткорлари «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг доимий иштирокчиларидир. Ўзбекистоннинг театр жамоалари, рақс ансамбллари жорий йилнинг апрелида Ашхободда ўтган «Миллий фольклор ва театр санъати» халқаро фестивалида иштирок этди. Май-июнь ойларида Ашхободда Самарқанднинг 2750, Марғилоннинг 2000 йиллик юбилейларини нишонлаш доирасида «Ўзбекистон бадиий санъати – Мустақиллик даври» кўргазмаси ташкил қилинди. 1996 йилда Хивада туркман халқининг атоқли шоири Махтумқулининг ҳайкали очилгани ҳам диққатга сазовордир.

Оқсаройдаги учрашувда Рашид Мередов Туркманистон Ўзбекистон билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш тарафдори эканини алоҳида таъкидлади. Самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, бу борада мавжуд имкониятлардан янада тўлароқ фойдаланиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)



КУН САЙИН ГУЛЛАБ-ЯШНАЁТГАН АНДИЖОН

Истиқлол бизга, юртга нима берди, деган саволга бугунги Андижондаги ўзгаришлар, бунёдкорликлар, турли соҳалардаги тарихий ютуқлар мисолида ёрқин жавоб олиш мумкин. Афсонавий мўъжиза — «ЎзДЭУавто» корхонасининг ишга тушгани, замонавий «Нексия-DONC», «Дамас», «Матиз», «Ласетти» каби автомобиллар бугун мамлакатимиздагина эмас, балки дунё бозорида ҳам харидоргир бўлаётгани кимни тўлқинлантирмайди дейсиз! Кенг ва равон йўллар, бирибиридан муҳташам бинолардан кўз қувонади. Вилоятнинг қай гўшасига борманг, янгилик, ўзгаришлар устидан чиқасиз.

Янги замонавий қишлоқлар, гузарлар, қўш қаватли ҳовлижойлар... Истиқлол йилларида бунёд этилган Олимпия захиралари спорт коллежи ҳудудидаги спорт манежи, иккита сузиш ҳавзаси, бешта спорт зали, 20 минг ўринга мўлжалланган замонавий ўйингоҳ, теннис кортлари ва яна бошқа кўплаб иншоотлар ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради.

Миришкор деҳқонларнинг меҳнати билан яратилаётган юксак хирмонлар, боғу бўстонлар-чи?

Вилоятда хусусий секторни кенгайтириш, кичик бизнес, фермер хўжаликлари, тадбиркорликни ривожлантириш, бандлик таъминоти, янги ишчи ўринларини яратиш, аҳоли даромадларини кўпайтириш билан боғлиқ масалаларга тобора катта эътибор қаратилмоқда. Иқтисодий ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Шу йилнинг биринчи ярмида ялпи маҳсулот ҳажми 12 фоизга ортди. Асосий тармоқ — саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1 триллион сўмга етиб, ўсиш суръати 121 фоизга тенг бўлди. Аҳолига савдо ва хизмат кўрсатиш борасида январь, июнь ойларида 75 та савдо, 55 та кийим тикиш ва таъмирлаш тармоқлари, 90 та пойабзал таъмирлаш ва суратхона шахобчалари, 18 та ҳаммом ишга туширилди. 205 минг метр квадрат уй-жой, узунлиги 17 километр табиий газ ва 52 километр ичимлик суви тармоқлари, 6 та ҚВП, иккита касб-ҳунар коллежи қурилиб фойдаланишга топширилди. 17 та умумтаълим мактаблари капитал таъмирдан чиқди.

Ташқи савдо айланмаси 772 млн. АҚШ доллари даражасида бўлди. Шундан экспортнинг ўзи 425 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Кичик бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. 25,7 мингта янги иш ўринлари вужудга келди.

— Айниқса, вилоятимиз маркази — Андижон шаҳри мутлақо янги қиёфа касб этди, — дейди шаҳар Бош архитектори Абдураҳим Неъматов. — У тобора кўркам ва жозибадор бўлиб бормоқда. Янги, кенг, равон кўчалар, салобатли бинолар, ободончилик ишлари... Беш қаватли маъмурий бино замонавий меъморий усулда безак олди. Хотира хиёбони марказий майдон билан уйғунлаштирилди. Яшил хиёбонлар, йўлаклар барпо этилди. Темир йўл шоҳбекати рўпарасидаги Конституция майдони меъморий жиҳатдан мукаммаллаштирилаяпти. Хотира хиёбони ёнида ёшлар маркази ташкил этишни ҳам режалаштириб турибмиз. Марказга келган ёшлар Хотира хиёбонини зиёрат қиладилар.

Бу каби бунёдкорона ишларда «Андижонфуқаролойиҳа», «Андижонхўжаликлойиҳа», «Шифокорлойиҳа» масъулияти чекланган жамиятлари хусусий лойиҳалаш фирмалари фаол қатнашмоқда.

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ;

1. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

2. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2007 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши Котиби М.Атаев зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2007 йил 29 август

ДЎСТЛИК ТАРОНАСИ ЭТАДИ ДАВОМ

Қуёш қайтиб, Самарқанд узра кеч туша бошлаганида шаҳарликлар ва меҳмонлар ажойиб саҳнани ўз бағрига жо этган қадимий Регистон майдони сари ошиқишади. Янги оҳанглар, янги наволар фестиваль иштирокчиларига ўзгача ажиб завқ бағишлайди. Гарчи улар бир-бирларининг тилларини тушунишмаса-да, оҳанглар орқали дўстлашишади.

Фредрик БРЕССАНД, тадқиқотчи (Франция):

— Ер юзининг қадимий шаҳарларидан бўлган Самарқанд заминида кўп марта бўлганман. Чунки мамлакатимиздаги Темурийлар тарихини ўрганиш марказига раҳбарлик қиламан. Шу боисдан бебаҳо тарихий ёдгорликларни ўз бағрига олган шаҳрингиз мени ўзига оҳанрабодек тортиб туради. Қадимий шаҳарнинг 2750 йиллик юбилейи билан ҳамоҳанг ўтаётган «Шарқ тароналари» VI Халқаро мусиқа фестивали ўзгача уйғунлик кашф этган. Шаҳар кўчаларидаги байрамона кайфият, одамлардаги хурсандчиликларни кўриб, ҳавас қиласан киши. Ҳар гал Самарқандга ташриф буюрар эканман, ҳар бир юртдошингизда буюк боболарингиз тимсолини кўргандек бўламан. Халқлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлаб келаётган фестиваль саҳнаси ҳам бежиз Самарқандда танланмаган. Нилий гумбазлар остонасида турли тиллардаги хонишлар тарих зарварақлари қатига ёзиб борилмоқда.

4-бет

ЎзХДП ҳаёти

«МУСТАҚИЛЛИК ДАРСЛАРИ»ДА ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ

Ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат, миллий ғоя асосида, қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизга чуқур ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларда юксак маънавиятни шакллантириш барчамизнинг муҳим вазифамиздир. Бу борада республикамизнинг барча таълим муассасаларида ўтказиладиган янги ўқув йилининг биринчи сабоғи — «Мустақиллик дарси» алоҳида аҳамият касб этади. Куни кеча Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроқўми Ҳайъати республикамиз мактабларида янги ўқув йилини бошлаб берувчи ушбу дарсларни эсда қоларли қилиб ўтказишга қўмаклашиш мақсадида **«Ўзбекистон ХДП ташкилотлари, фаоллари ва партиядан сайланган депутатларнинг республикамиз мактабларида 2007-2008 ўқув йилида биринчи дарс — «Мустақиллик дарси»ни ўтказишдаги иштироки тўғрисида»** қарор қабул қилди.

Унда «Мустақиллик дарси»ни ўтказишда бевосита иштирок этиш Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда барча туман, шаҳар кенгашлари, депутатлик тузилмаларининг муҳим вазифаси этиб белгиланди. Партиядан сайланган барча даражадаги депутатлар, ХДП сайланма органлари аъзолари ва фаоллар, жамоатчилик ҳурмат-эътиборидаги кишилар, фахрийларнинг мазкур дарсларни тайёрлаш ва ўтказишда бевосита иштирок этиши зарурлиги таъкидлаб ўтилган. Марказий Кенгаш Ижроқўми Ҳайъати уларга дарс жараёнида Ўзбекистон давлат мустақиллигининг тарихий аҳамияти, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар, икки палатали парламент фаолияти, «Фуқаролик позицияси» тушунчасининг моҳияти ва бунёдкорлик ишларга дахлдорлик ҳиссини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишни тавсия этди. Барча партия кенгашлари зиммасига мактабдан ташқарида ўтказиладиган «Мустақиллик дарси»ни ташкил этишда ҳам амалий ёрдам кўрсатиш вазифаси юкланилди.

Шунингдек, ҳужжатга кўра «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари, партия маҳаллий нашрлари Ўзбекистон ХДП фаолларининг янги ўқув йилининг биринчи сабоғидаги иштирокини ёритиб борадилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Мусо Жаъфар бин ҲАССАН:

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРИХИ БОЙ, БУГУНИ ЁРҚИН, КЕЛАЖАГИ БУЮКДИР

Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик тўйи, «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси» мавзуидаги халқаро конференция ҳамда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали — булар Ўзбекистон қадриятлари билан боғлиқ халқаро миқёсда ўтказилган ва ўтказилаётган тантаналардир. ЎзА мухбири ушбу анжуманларнинг фаол қатнашчиси — ЮНЕСКО Бош конференцияси раиси Мусо Жаъфар бин ҲАССАН билан суҳбатлашди:

— Ўзбекистоннинг тарихи бой, бугуни ёрқин, келажаги буюкдир, — дейди меҳмон. — Ушбу муқаддас заминда камолга етган, оламшумул кашфиётлари билан жаҳонга танилган ўнлаб буюк мутафаккирлар ўзининг бой илмий-маънавий ва маданий мероси билан дунё цивилизацияси ривожига салмоқли ҳисса қўшган. Уларнинг эзгу ишларини бугунги авлоди муносиб давом эттирмоқда.

Ҳар гал Самарқандга келганимда бетакрор тарихий обидалар ва муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиб, руҳим янада кўтарилади. «Ер юзининг сайқали» номи билан машҳур қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд азалдан Шарқнинг энг ёрқин илму маърифат марказларидан бири бўлган. Бу ердаги мадрасаларда дунёнинг турли бурчакларидан келган толиби илмлар таҳсил олган. Дунёда Самарқанддек шаҳарлар кам эканини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу муқаддас шаҳар инсоният бунёдкорлиги, ақлу заковати, тафаккури тимсолидир.

Истиқлол йилларида Самарқанднинг жаҳонаро шуҳрати янада юксалиб бормоқда. «Шарқ гавҳари»да Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган ишлар мени ҳайратда қолдирди. Бу янгиланишлар бунёдкор халқингизнинг юксак салоҳияти, тафаккур қудрати, истеъдод ва маҳоратининг яна бир намоёнидир.

— «Шарқ тароналари» олтинчи халқаро мусиқа фестивали ҳақидаги таассуротларингиз?

— Фестивалнинг очилиш маросимида иштирок этганимдан ғоят мамнунман. Мафтункор куй-қўшиқларингиз, жозибали рақсларингиздан катта завқ-шавқ олдим. Гўзаллик ва нафосатни ўзида мужассам этган ўзбек наволарининг, юракни жунбушга келтирувчи рақсларининг жаҳон мусиқа санъатида алоҳида ўрни бор.

Инсонларни гўзаллик, нафосат ва эзгуликка даъват этувчи ушбу анъанавий фестиваль жаҳон халқларининг мусиқий меросини тарғиб этиш ва ривожлантиришга хизмат қилиб келмоқда. Санъат, хусусан, мусиқа тили, маданияти, миллий қадриятлари ранг-баранг миллат ва элатларни бир-бирига яқинлаштиради ва бирлаштиради. Фестиваль иштирокчиларининг йил сайин кўпаяётгани дунёда унинг нуфузи ошиб бораётганидан далолатдир.

— ISESCO томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинди...

— Бу бежиз эмас. Ўзбекистон пойтахти бу шарафга ҳар томонлама муносибдир. «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси» мавзуидаги халқаро конференция нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё халқлари маънавий ҳаётида катта воқеа бўлди. Форум иштирокчилари мамлакатингизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида диний бағрикенглик ва эътиқод эркинлигини таъминлаш, миллий-маданий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш, аждодлар меросини ўрганиш, муқаддас қадамжоларни таъмирлаш ва ободонлаштириш борасида амалга оширилган ишларга юксак баҳо бердилар. Ўзбек халқининг бой мероси билан янада яқин танишиш имконини берган бу анжуман динлар ва цивилизацияларо мулоқот, ҳамкорлик ва ишонч мустаҳкамланишига хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Ўзбекистоннинг кўплаб шаҳарлари ўзининг ислом маданияти ва цивилизацияси билан боғлиқ обидалари билан катта шуҳрат қозонган. Бу замин дунёга Маҳмуд Замаҳшарий, Имом Бухорий, Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Фарғоний каби жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган буюк мутафаккирларни берган. Улар қолдирган мерос халқингизнинг жаҳон аҳлига бебаҳо инъомидир.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини ва раҳбариятини Мустақиллик айёми билан муборакбод этаман. Мамлакатингизга тараққиёт, халқингизга фаровонлик тилайман. Бахт, тинчлик ва осойишталик доимо ҳамроҳингиз бўлсин.

ЎзА мухбири Нодира МАНЗУРОВА суҳбатлашди.

Қарор ва ижро

ҚОНУНГА ИТОАТ — ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

Инсон цивилизациясининг ажралмас қисми бўлган ва кишилик жамиятида муҳим аҳамият касб этувчи умумий маданиятнинг муҳим бўғини бу — сўзсиз ҳуқуқий маданият ҳисобланади.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов **«Ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир. Бозор иқтисодини шакллантириш шароитида ҳуқуқий маданиятни ошириш муҳим иш ҳисобланади. Шу билан бирга ҳуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки қонунларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланади.**

Зеро, ҳуқуқий нормалар одамлар онгига сингиган ва улар орқали амалга ошган тақдирдагина яшайди ва рўёбга чиқади», деган эдилар.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳаётни демократлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш ва ҳуқуқий давлат асосларини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг **1997 йил 29 августдаги** қарори билан тасдиқланган **«Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури»** қабул қилинганига ўн йил тўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июндаги «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармони юқорида номи қайд этилган Миллий дастурнинг қабул қилинишига муҳим ҳуқуқий асослардан бўлди.

Ушбу Фармонда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қурилиши, қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий адолат қарор топишини таъминлаш, маънавий ва маданий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш, амалга оширилаётган ислоҳотларни янги мазмун билан бойитиш, аҳолининг ҳуқуқий билими ва онгини юксалтириш, жамиятнинг сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва жамоатчилик фикрини ўрганиш борасидаги ишларни янада яхшилашнинг яхлит бир тизими белгилаб берилди. Бу бежиз эмас эди, албатта. XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида рўй берган оламшумул тарихий воқеалардан бири бу шубҳасиз Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришгани бўлди.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ, ўзбек халқи ўз Юртбошиси бошчилигида иқтисодий-сиёсий, ижтимоий-маданий, давлат қурилиши ва бошқаруви, мамлакат ҳуқуқий тизими, бир сўз билан айтганда, фуқаролик жамияти барпо этиш борасида кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириб келмоқда.

Бу борада, давлатимиз раҳбарининг ислоҳот ислоҳотлар учун эмас, аввало инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун деган фикрлари ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларнинг асл мазмун-моҳиятига айланди.

Ватанимизнинг ривожланиши ва ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан халқнинг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир. Шахснинг сиёсий фаоллиги, унинг чинакам фуқаровий муносабати, демократик ислоҳотларга интилувчанлиги кўзланган мақсадларга тезроқ эришишнинг муҳим омилидир.

Юксак ҳуқуқий маданият соҳиби бўлган инсон атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмайди. У ҳар қандай шароитда ҳам жамиятнинг мустақил фикрловчи аъзоси бўлиб қолади ва бунга интилади. Бундай инсонлар ҳар бир ишга ўзининг шахсий нуқтаи назарини билдиришга қодир. Жамиятнинг бу каби аъзолари мамлакат тараққиётига ғов бўлувчи турли хил иллатларга қарши курашиш билан бирга, мамлакат Конституцияси ва қонунларида белгиланган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдек олижаноб ишларда шахсан иштирок этиш масъулиятини ўз зиммасига олишдан чўчимайди.

Дунёнинг тараққий топган мамлакатлари ўз иқтисодини муваффақиятли ривожлантириш учун жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга доимий равишда катта эътибор қаратиб келишган.

Фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти савияси, қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки мавжуд қонунларнинг аҳоли кенг қатлами томонидан ижро этилиши билан баҳоланишини яхши биламиз. Чунки юқорида таъкидланганидек, ҳуқуқий нормалар одамлар онгига сингган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва рўёбга чиқади.

Яна бир оддий ҳақиқат бор: фуқаролар қонунлардан қўрқиб эмас, балки қонунни ҳурмат қилиб, уларга риоя этгандагина амалдаги қонунлар том маънода юридик кучга эга бўлади. Қонундан қўрққан одам уни бузмаслиги мумкин, лекин уни четлаб ўтмаслигига ҳам кафолат йўқ. Таъкидлаш жоиз, қонунлар шундай яратилиши керакки, одамлар уни четлаб ўтишдан эмас, балки қонунлар доирасида иш юритишдан манфаатдор бўлсинлар.

Инсон табиатида ҳамиша озод ва эркин бўлиш, ўз ҳуқуқини талаб қилишга мойиллик кўпроқ бўлади. Қайсидир маънода бу тўғри. Лекин инсонлар ҳуқуқ олдида, албатта, бурч борлигини доим ҳам эътироф этгиси келавермайди. Қадимги юнонистонлик файласуф Цицерон «Озод бўлиш учун қонуннинг қулига айланишга тўғри келади» деган экан. Бизнингча бурчни ҳуқуқдан олдин қўя олиш, ўзини қонуннинг қули деб билиш, бу — ҳуқуқий маданият соҳибига хос фазилат.

Биз ўз олдимизга озод ва обод ватан қуришни мақсад қилдикми, ҳар биримиз ўзимизда ҳуқуқий маданиятни шакллантириб боришимиз талаб этилади. Шу хусусда айрим мулоҳазаларни билдирмоқчиман.

Маълумки, Олий Мажлис томонидан қабул қилинаётган қонунлар лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилиниши фуқароларда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда ижобий таъсир ўтказишини амалиёт тобора тасдиқламоқда. Бунинг устига энг чекка қишлоқларда яшовчи фуқароларнинг ҳам қонун лойиҳалари юзасидан таклиф-мулоҳазаларини ўрганиш имконияти яратилмоқда. Айниқса, муҳокамада иштирок этаётган жамиятнинг сиёсий фаол кишиларини қонун лойиҳаси юзасидан таклиф ва мулоҳазаларини матбуот саҳифаларида, телевидение ва радио орқали ошкора баён этишлари бошқаларда ҳам ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни янада кенгроқ шакллантиришга хизмат қилишини кўрсатди. Муҳокамалар даврида ҳеч бўлмаганда одамлар қонун лойиҳаси юзасидан ўзи учун тушунча ҳосил қила олишларини ижобий баҳолаш лозим. Қонунларнинг амалдаги ижроси самарадорлигининг ортиб бориши, биринчи навбатда унинг мазмун-моҳиятини фуқаролар томонидан қанчалик ўзлаштирилганлигини инобатга оладиган бўлсак, қонунлар лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига олиб чиқиш нечоғли аҳамиятга молик тадбир эканлиги изоҳ талаб этмайди.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳалари Қонунчилик палатасида муҳокама этилаётганда мазкур жараённи имкон қадар телевидение ва матбуот саҳифаларида мутахассислар томонидан таҳлилий жиҳатдан шарҳлаб борилиши йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу ҳам фуқароларимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, қонунларга жиддий муносабатда бўлишга ундайдиган воситалардан бири бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Шунингдек, Қонунчилик палатаси депутатлари ўзларининг жойларда бўлиб ўтадиган учрашувларида қабул қилинган қонунларнинг моҳиятини тушунтириш билан бир қаторда, кўриб чиқилаётган қонунлар лойиҳаларининг муҳокамасига сайловчилар эътиборини қаратиш лозим, деб ўйлайман. Бундан мақсад, биринчидан, қонун лойиҳалари юзасидан тўғридан-тўғри фуқароларнинг таклифлари ўрганилса, иккинчидан, қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти одамларга тушунтирилади. Бу ҳам аҳоли ўртасида ва умуман жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг юксалишига хизмат қилади.

Абдуманноб РАҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси.

31 август – Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

МУҚАДДАС

XX асрнинг сўнгги дақиқаларида мамлакатимизнинг ижтимоий ва маънавий ҳаётида улкан тарихий воқеа рўй берди: 2000 йил 12 май куни Тошкентнинг Юнусобод туманида Юртбошимиз Ислом Каримовнинг ғояси асосида барпо этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи очилди. 130 йил давом этган мустамлакачилик даврида Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган аждодларимизнинг порлоқ хотираси ана шу ёдгорликда ўз абадиятини топди.

Шу тарихий кундан роппароса бир йил аввал Юртбошимизнинг Фармойиши билан мустамлакачилик даврида миллий истиқлол ва тараққиёт йўлидаги саъй-ҳаракатлари учун ноҳақ айбланиб, турли жазоларга маҳкум этилган аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш мақсадида жамоатчилик комиссияси тузилиб «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуини барпо этиш ғояси майдонга келган эди.

XX асрнинг 20-йилларидан 40-йилларига қадар кечган даврда истиқлолсевар аждодларимиз отилиб, бекафан ва бежаноза дафн этилган Бўзсув ёқасидаги мазкур мажмуанинг барпо этилиши, 2001 йилдан бошлаб эса мамлакатимизда Қатағон қурбонларини ёд этиш кунининг нишонланиши тарихий адолатни тиклаш, ноҳақ қирғин-қатағон қилинган ватандошларимиз хотирасини эзозлаш ва абадийлаштириш ишига улкан ҳисса бўлиб қўшилди.

●●●

Мустабид тузумнинг қатағон сиёсати 1917 йилнинг декабрь ойидан бошланган. Агар ўша йилларда нашр этилган газеталарни варақлаб кўрсак, янги ташкил этилган фавқулодда комиссия (ЧК) ёки инқилобий комитет (ревком) ходимлари томонидан ўнлаб кишиларнинг судсиз-сўроқсиз отиб ташлангани маълум бўлади. Туркистон Мухторият ҳукумати зўравонлик билан тугатилган 1918 йилнинг февралидан бошлаб эса бу сиёсатнинг асосий тамойиллари шакллана бошлади. МХХ архивида сақланаётган «жиноий-архив ишлари» билан танишган киши ГПУ-ОГПУ-НКВД терговчилари давлат олдида заррача гуноҳи бўлмаган кишиларни қамоққа олиб, уларни бирор аксилинқилобий ташкилотга аъзо бўлганлик ва советларга қарши тарғибот олиб боришда айбловчи сўроқномаларга зўрлаб имзо қўйдирганларига гувоҳ бўлади. Терговчилар бегуноҳ маҳбусларни қийнаш ва дўзах азобларига дучор қилиш орқали ёвуз ниятларига эришганлар. Шундай азоб-уқубатларга гирифтор этилган кишилардан бири – туҳматдан иборат сўроқномага имзо қўймаганлиги учун мажруҳ этилган Давлат Ризаев ўлими олдидан хотини Хадичага қуйидаги видо сўзларини ёзишга улгурган:

«Жоним Хадича! Мен ёш кетаяпман. Аммо ўлгим келмаяпти. Ёлғон материалларга асосланиб, мени халқ душманига чиқаришди. Ортиқ яшашимга иложим йўқ. Болаларим ёш қолди, уларни тарбиялаб оларсан. Мен душман эмасман. Алвидо: ҳаётдан кўз юмаётган эринг Давлат.

Болаларимни мен учун ўпиб қўй, мен уларни энди кўролмайман. Мен йўқман...».

Давлат Ризаев 1937 йил 30 сентябрь куни эрталаб соат 7 да НКВДнинг мудҳиш 42-хонасида умуртқа суяги синдирилган, ички аъзолари уриб-тепиб, эзиб ташланган ҳолатда қамоқхона қошидаги касалхонага олиб борилган ва 1 октябрь куни эрталаб соат 4 дан 25 дақиқа ўтганда оламдан ўтган. Юқорида келтирилган видо сўзларини у ўлим билан юзма-юз олишаётган соатларда ёзган.

●●●

Қатағон деганда, ёши улуғ кишиларнинг хотирасига 1937-1938 йиллардаги бир-биридан даҳшатли воқеалар келади. Ўша йили, ундан олдин ва ундан кейин қатағон денгизининг қонли гирдобига тушган ватандошларимиз шундай қийноқларга дучор этилганки, буни ҳатто совет жаҳаннамидан тасодифан омон чиққан кишилар ҳам тасвирлашга ожизлик қилганлар. НКВДнинг чаласавод, аммо жаллодлик илмини мукаммал эгаллаган ходимлари халқнинг «гул»и бўлган фан ва маданият, давлат ва жамоат арбобларини истаганча ҳақорат қилиб, истаганча қийнаганлар.

Аммо, гўё бу дунёдаги барча азоб-уқубатлар Франконинг зулми остида яшаётган Испанияда содир бўлганидек, Тошкентнинг Хадра майдонида франкочиларнинг хунрезликларини фош этишга бағишланган катта кўргазма ташкил қилинган.

Таниқли шифокор Москвада нашр этилган «Ҳаяжонли замоналар» деб аталган ҳужжатли романда муаллиф ёшлик чоғида ана шу аянчли кўргазмани бориб кўрганини бундай тасвирлаган:

«1939 йилнинг ёзида тарих ўқитувчимиз Ҳаким ака бундай деб қолди:

— *Болалар, дарсдан кейин барча еттинчи синф ўқувчилари «азоб-уқубатлар панорамаси»га бориб, генерал Франконинг Испаниядаги яхши коммунистларни қандай қийнаб ўлдираётганини ўз кўзларингиз билан кўрасизлар. Шундан кейин сизлар норозилик билдирасизлар?*

Хадрадаги марказий майдонда устига брезент ёпилган ёзги павильон қурилган экан. Ичи қоп-қоронғи. Ярим доира шаклидаги, одам бўйи келадиган деворда кичик-кичик чироқчалар билан ёритилган токчалар бўлиб, уларнинг ҳар бирига генерал Франконинг ёвузликлари тасвирланган макетлар қўйилган эди.

Бир токчада бундай аянчли манзара тасвирланган: ёғоч тахтанинг устида темир занжир билан боғланган ватанпарвар бир асир ётар, икки жаллод эса уни обдон қийнар эди...

Ҳаммамиз даҳшат ичида қолдик. Аҳмад ҳушидан кетиб йиқилди, бошқалар эса павильондан қочиб чиқиб кетишди.

Ўша куннинг эртасига мактабимизга ҳарбий кийим кийган қандайдир бир киши келиб, синфимизга кирди-да, бундай деди:

— Болалар! Мен сизга ҳарбий таълим бўйича дарс бераман. Хўш, қалай, кеча қийноқ павильонини бориб кўрдингларми?

Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳридаги «Мос-Ян-Текс» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасига янги дастгоҳлар ўрнатилгач, яна ўттизга яқин аёл ишли бўлди.

ЯНГИ ДАСТГОҲ – ЯНГИ ИМКОНИЯТ

Трикотаж буюмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхонада етмишдан зиёд хотин-қиз меҳнат қилади. Бу ерда тикилаётган кийим-кечаклар ич ки ва ташқи бозорда ўз харидорига эга. Ўтган йили корхонада тайёрланган 200 миллион сўмлик маҳсулотнинг 80 фоизи экспорт қилинди.

— Янги дастгоҳлар ишлаб чиқариш қўламини янада кенгайтириш баробарида экспорт ҳажмини ошириш имконини беради, — дейди корхона раҳбари Акрам Ҳайдаров. — Айни пайтда касаначиларни ишга жалб этиш, маҳсулот турларини кўпайтириш чораларини кўряпмиз.

Д. ЭСОНОВА,
ЎзА мухбири

КУН САЙИН ГУЛЛАБ-ЯШНАЁТГАН АНДИЖОН

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимиз Президенти яқинда вилоятимизга ташриф буюрганларида минтақамиз учун икки қаватли, пишиқ ғиштдан тикланган турар-жой бинолари барпо этиш фойдали эканлигини айтдилар. Юртбошимизнинг маслаҳатлари билан ҳозир республика «Ўзшаҳарсозлик» лойиҳа институти томонидан шаҳримизнинг 25 йилга мўлжалланган бош режаси ишланмоқда. Бунга кўра вилоят маркази келгусида шаҳар атрофи халқа йўли ичидаги ҳудудни эгаллайди. Ҳудуднинг кенгайиши ва коммуникация ривожи ана шу бош режа асосида олиб борилади...

Вилоятда қишлоқ аҳлига савдо хизмати кўрсатишни янада яхшилаш юзасидан ишлаб чиқилган дастур доирасида «Матлуботсавдо» акциядорлик компанияси тизими қатор замонавий савдо дўконларини ишга туширмоқда. Улуғ айём куни олдидан «Пахтакор», «Маданият» қишлоқларида, Қорасув шаҳридаги Амир Темур маҳалласида учта минимаркет ва қатор савдо дўконлари ҳамда умумий овқатланиш шахобчалари иш бошлагани нур устига аъло нур бўлди. Айниқса, Шаҳрихон шаҳри марказида бунёд этилган минимаркет замонавий меъморчилик усули билан алоҳида ажралиб турибди. Унинг иш вақти эрта тонгдан тунги соат 22 гача бўлиши ва яна дам олиш кунисиз ишлаши харидорларга маъқул тушмоқда.

— Энди кундалик эҳтиёж маҳсулотлари учун Шаҳрихон шаҳрига боришга ҳожат қолмади, — дейди гулқишлоқлик меҳнат фахрийси Кимсанбой ака Қодиров. — Дўконда ун, пахта ёғи ва озиқ-овқат турлари — ҳаммаси етарли...

— Дам олиш кунларимизни Андижонда ўтказиш учун атай келувдик, — дейди қўқонлик меҳмон Шавкатбек Исроилов. — Бу ердаги «Болалар боғи»нинг соя-салқинлиги, замонавий жиҳозланганлиги жуда ёқди. Алишер Навоий номли истироҳат ва маданият боғини ҳам кўрдик. Ҳар икки боғ кўркидан бахри дилимиз очилди...

Бундай ўзгариш ва янгиликларни вилоятнинг ҳар бир тумани, ҳар бир маҳалласида кўриш мумкин. Андижон кун сайин ижтимоий-иқтисодий гуллаб-яшнаётган вилоятга айланди. **«Мана шу давр мобайнида,** — деган эди бир гал Президентимиз, — **Андижон аҳли қандай муваффақият ва ютуқларга эришган бўлса, уларни шу элга мансуб бўлган мардлик, изланиш ва тадбиркорлик фазилатлари билан қўлга киритганини, бу юксак марралар фидокорона меҳнатнинг ҳақиқий белгиси ва самараси эканини ҳеч ким, ҳеч қачон инкор этолмайди».**

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЎзХДП ҳаёти

БОЛАЖОНЛАР ҚАЛБИ ҚУВОНЧГА ТЎЛДИ

Мустақиллик байрами арафасида қадим Бухоронинг Лабиҳовузи болажонлар билан гавжум бўлди. Бу ерда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро шаҳар кенгаши ташаббуси билан кам таъминланган оилалар 12 нафар фарзандининг тўйи ўтказилди. «Чорва маҳсулот савдо» масъулияти чекланган жамият ва қатор ҳиммати баланд кишилар ҳомийлик қилишди.

— Бу хайрли тадбирни эшитиб, тўёна билан келдим, — дейди ХДП фаоли, нафақахўр Муҳаррам Собирова. — Жамғарган пулимдан тўйболаларнинг ҳар бири номига банкда ҳисоб дафтарчаси очтириб 30 минг сўмдан пул қўйдим. Бу арзимас бўлса-да, уларнинг кўнглини кўтарса, шунинг ўзи бизга етарли.

Тўй баҳона бу йил мактабни битириб, турли касб-ҳунар коллежларига ўқишга кирган ўғил-қизларга Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспорти ҳам тантанали равишда топширилди.

Шу куни Бухоро шаҳридаги Роҳила Муҳаммадиева раҳбарлик қилаётган оилавий Меҳрибонлик уйида ҳам катта байрам дастурхони ёзилди. ЎзХДП вилоят кенгаши раиси Саида Жўраева болаларга байрам совғаси — компьютер топшириб, уларни муборакбод этди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЎзХДП: электорат манфаати

МУРУВВАТДАН КЎНГИЛЛАР ШОДЛАНДИ

«Мен дунёда яхши одамлар кўплигига яна бир бор ишондим. Инсон қадри улуғлигига амин бўлдим. 1990 йилдан тўшакка михланиб қолганман. Иккинчи гуруҳ ногирониман. Шундан буён тузалиб кетишни, ҳеч бўлмаганда битта ногиронлик аравачам бўлишини орзу қилар эдим... Мана, энди ташқарига чиқаман, ёнатрофни, шаҳарни томоша қиламан...»

Бу пойтахтимизнинг Чилонзор туманида истиқомат қилган Валентина Мельниковани сўзлари. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Ўзбекистон ХДП фракцияси раҳбари Аслиддин Рустамов ва Пахта тозалаш илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси масъул ходимлари В.Мельниковани хонадонига кириб боришганида аёл ва унинг ўғли хайрон бўлишди. Сўнг ногиронлик аравачасини кўрган Валентина опа қувончидан беихтиёр йиғлаб юборди...

Хайрли бу ташаббус Пахта тозалаш илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасидаги фаол ходилар томонидан кўтарилганда, бирлашма раҳбари, ЎзХДП аъзоси Равил Юнусов буни қўллаб-қувватлади ва В.Мельниковага ҳомийлик йўли билан ногиронлик аравачаси олиб берилишини ташкил этди.

Ўзбекистон ХДП фаоллари энди аёлнинг ҳолидан доим хабардор бўлиб турадиган, тиббий ва бошқа ижтимоий хизматлар кўрсатилишига ёрдамлашишга қарор қилдилар. Бундан унинг ўғли Михаил ҳам беҳад хурсанд. Чунки тақдирни қарангки, В.Мельниковани ёлғиз фарзанди ҳам иккинчи гуруҳ ногирони экан. ЎзХДП фаоллари онабола ногиронлар ҳолидан хабардор, уларга суянчиқ бўлиб қолдилар.

Беҳзод ШУКУРОВ

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Хоразм вилоят кенгаши «Урганч ёғ» ва «Хоразм электр тармоқлари» акциядорлик жамиятларида Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган «Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники!» шиори остида учрашув ўтказди. Тадбирда сўзга чиққан вилоят партия кенгаши раиси Раимберган Сабуров истиқлол йиллари юртимизда иқтисодий-ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, мамлакатимиз раҳбари томонидан фуқароларнинг тинч-тотув, эркин ва фаровон ҳаёт кечириши, ёшлар билим олиши учун яратилаётган шарт-шароитлар, ислоҳотларда ЎзХДП аъзоларининг иштироки ҳақида тўхталди.

Урганч шаҳар ва Хива, Қўшкўпир туман кенгашларининг пленумлари бўлиб ўтди. Унда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури бажарилиши ва Ўзбекистон давлат мустақиллиги 16 йиллигига бағишланган тадбирларда партия ташкилотларининг иштироки, ХДПдан сайланган маҳаллий Кенгашлар депутатларининг фаолиятини жонлантириш, Жамоатчилик қабулхоналари ишини такомиллаштириш, маҳаллаларда уларнинг бўлимларини очиш каби масалалар муҳокама қилинди.

Пленумларда ташкилий масалалар ҳам кўрилди. Санобар Ботирова ва Давлатназар Юсупов ва Акмал Назаровлар ЎзХДП Урганч шаҳар, Хива ва Қўшкўпир туман кенгашлари раислари этиб сайландилар.

Сирдарё вилоят кенгаши Сирдарё туманидаги «Мурувват уйи»да «Ижтимоий ҳимоя йили» моҳияти, мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган ишлар ҳамда Ўзбекистон ХДП сиёсий мафкурасининг ижтимоий адолат, ижтимоий бирдамлик ва ижтимоий демократия принциплари аҳамияти» мавзуида давра суҳбати ўтказди.

Янгиер шаҳар кенгаши ХДПдан сайланган шаҳар Кенгаши депутатлари, бошланғич партия ташкилотлари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари иштирокида «Ўзбекистон Республикасининг давлат Мустақиллиги ва унинг тарихий аҳамияти» мавзуида «давра суҳбати» ташкил этди.

Чироқчи туман кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда бошланғич партия ташкилотлари ва фаолларнинг партия дастурий мақсадларини бажаришдаги ташаббускорлигини ошириш, ижтимоий масалаларни ҳал этишда ХДПдан сайланган депутатларнинг ролини кучайтириш масалалари муҳокама этилди. Шунингдек, пленумда ташкилий масала кўрилди. Шавкат Шокиров Ўзбекистон ХДП Чироқчи туман кенгаши раиси этиб сайланди.

Сергели туман партия кенгаши, Ўзбекистон авиация ходимлари касаба уюшмалари марказий кенгаши ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида «Ўзбекистон Ватаним маним» деб номланган танлов-конкурс ташкил этилди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган ушбу тадбирда иштирок этган юртимизнинг турли ҳудудларидан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ходимларининг фарзандлари ўзлари чизган суратлар, тайёрлаган куй-қўшиқ ва рақсларини намойиш этдилар. Голибларга қимматбаҳо совға ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ХОТИРА

— Ҳа! — дедик ҳаммамиз жўр бўлиб. — Жуда қўрқинчли экан!

— Мана, кўрдингизми, Франко солдатлари коммунистларни қандай азоблаяпти! Шунинг учун ҳам биз фашистларга қарши, фашизмга қарши урушга тайёрланишимиз керак...»

Ўзимизнинг Ватанимизда бундан ҳам дахшатли ва фожиали воқеалар авж олган бир даврда франкочиларнинг вахшийликларини тасвирловчи қийноқ павильонининг ташкил этилиши ва ёшларнинг бу кўргазмага олиб борилиши мустабид тузумнинг ва шу тузум ижодкорларининг мунофиқлиги эди. Фақат мунофиқ ва юзсиз раҳбарларгина шундай кўргазмаларни ташкил қилиши мумкин эди.

●●●

Москвада нашр этилган «Известия» газетасининг 1990 йил 14 февраль сонида берилган маълумотга кўра, 1930 йилдан 1953 йилгача бўлган даврда 3 миллион 778 минг 234 киши советларга қарши аксилинқилобий-миллатчилик ташкилотларига алоқадор унсурлар сифатида қамоққа олинган. Шулардан 786 минг 98 киши отиб ташланган. Илмий адабиётда ана шу қамоққа олинган ва отиб ташланганларнинг қанчаси ўзбекистонлик бўлгани тўғрисида аниқ маълумот учрамайди. Аммо Юртбошимиз «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуини очиш маросимидаги нутқида 1937-1953 йилларда содир этилган бедодлик даврида Ўзбекистон бўйича қарийб 100 минг киши қатағонга учраб, 13 минг нафари отиб ташланганини айтганди. Агар ана шу маълумотга асосланиб, 1937-1953 йилларда қарийб 100 минг ватандошимизнинг ноҳақ қамоққа олинган ва шундан 13 минг нафари отиб ташланган, десак, бу сўзимиз қолган 87 минг кишининг ўз оиласи бағрига омон-эсон қайтганини англатмайди. Шу 87 минг кишидан яна қанчасининг ҳоки турли азобгоҳларда қолиб кетган. Тирик қолганлари ҳам узоқ яшамаган. Бинобарин, уларнинг барчаси қатағон даврининг бегуноҳ қурбонлари бўлган.

Ана шундай жабрдийдалар орасида ўзи билган-таниганларини эслар экан, таниқли жамоат арбоби Сулаймон Азимов бундай деган эди:

«Одамнинг гўзаллиги ва тирикликнинг моҳияти нимада? Кишилар бир-бирлари билан қандай муносабатда бўлганларида маънавий жиҳатдан юксалади, ақл-заковатини ўстиради, деган фикр эсимга келиши билан ўша қирғин йиллари бедарак кетган одамлар ёдимга тушади. Шундай пайтда беихтиёр кўзимдан ёш чиқиб кетади.

Негаки, ўзим ҳам ҳеч қандай қолипга сиғмайдиган туҳматнинг қурбони бўлиб, 14 йил қамоқда ўтириб келдим. Шундан ўн йилини камерада ўтказдим. Чунки мени Махсус кенгаш деб аталмиш ғайриқонуний махфий органнинг қарори билан қамоқда ўтиришга ҳукм қилишган эди. Ўша қарорда «За участие в антисоветской-повстанческой организации осудить к 10 годам тюремного заключения», деб ёзилган...»

Сулаймон Азимов 1941 йил 6 июлда даврадошлари орасида биринчи бўлиб қамоққа олинади. Шу вақтда у Ўзбекистон Компартияси Марказий қўмитасининг котиби бўлиб хизмат қилар эди. С.Азимовдан кейин мазкур идорада бўлим мудири бўлиб хизмат қилган адабиётшунос Сотти Ҳусаинов, собиқ «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасининг бўлим мудири Тўхтасин Жалолов, шу газетанинг адабий ходими Юнус Латипов, «Муштум» журналининг масъул котиби Ғафур Расулев, «Ёш куч» журналининг масъул котиби Омил Одилов, ўрта мактаб ўқув бўлимининг мудири Обид Ҳошимов, ҳатто «Тароқчи» артелининг ошпази Соли Эминов ҳам қамоққа олинади.

Ўзбек зиёлиларининг бу гуруҳи қамоққа олинганида НКВД ходимлари ихтиёрида уларни қораловчи бирор далил-ашё бўлмаган. Шунга қарамай, орадан бир йилдан ҳийла зиёд вақт ўтгач, 1942 йил 5-6 сентябрда Сотти Ҳусайн ва Юнус Латиф отиб ташланади, «аксилинқилобий-қўзғолончилар ташкилоти»нинг бошқа аъзолари 10, 8, 5 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинади. Улар Магадан ва Дудинка сингари борса келмас жойлардаги лагерларга юборилади.

Ўтган асрнинг 30-50-йилларида НКВД жаллодларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари шу билангина тугамаган. Улар қамоқ ёки лагердаги маҳбусларни ҳам қийнаш орқасида бир-бирларига ва озодликда юрган ёр-биродарларига қарши кўргазма беришга мажбур қилинган. Ва уларнинг «ёрдам»лари билан эркликда ҳалол яшаб, ҳалол ишлаётган ор-номусли инсонларни қатағон исканжасига олишга уринганлар.

●●●

...90-йилларнинг бошларида туғилган мустақиллик фарзандлари ҳозир 15-17 ёшлик йигит ва қизлар бўлдилар. Улар мустабид тузум даврида ўзбек халқи бошига тушган кўргликлар ҳақидаги хотираларни қўрқинчли эртак сифатида тинглашлари мумкин. Аммо бу хотиралар эртак эмас, балки куни кеча рўй берган дахшатлардир. Мустақиллик ана шу дахшатлар силсиласига болта уриб, унинг илдизини янчиб ташлади.

Лекин биз мустабид тузум даврида ноҳақ жабру жафоларга гирифтор этилиб, азиз ҳаёти совет мамлакатининг турли бурчакларидаги қамоқхоналарда чиритилган ва ҳоклари ўша ерларда қолиб кетган аждодларимизни асло унутмаймиз. Улар хотираси олдида таъзим қилиш, пок номларини, Ватан ва халқнинг озодлиги йўлида қилган меҳнатларини ёд этиш бизнинг фуқаролик, инсонийлик бурчимиздир.

Қатағон даври қурбонлари хотирасини ёд этиш — Мустақиллик йилларида тарихий адолатни тиклаш бўйича олиб борилган оламшумул ишларнинг муҳим бир қисмидир. Бу хайрли ва савоб ишнинг давом этиши катта тарбиявий аҳамиятга эга. Чунки Ватан ва халқ манфаатларини ўзларига байроқ қилиб, фидойилик билан яшаганлар ҳаёти бугунги ёшлар учун Ватанга садоқат мактаби сифатида хизмат қилади.

Наим КАРИМОВ,
«Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси раиси.

Маҳалла ҳаёти

АҲИЛЛИК ҚЎРҒОНИДА

ЯХШИ ТАШВИШЛАР

— Маҳалламизда бугун 4903 нафар аъзомиз, яъни 1410 та катта-кичик хўжаликлардан иборат аҳоли яшайди. Гапимни муболағага йўймангу, уларнинг бири акам бўлса, бири укам, бири опам, бири синглим, ўғлим-қизларим... Барчамиз ҳамжиҳатликда шу оиламиз дастурхони тўкин, ҳаёти тинч-фаровон бўлиши йўлида бирдай елиб-югурамиз. Кимдир бирор кун кўринмай қолса, дарров йўқлиги билинади. Зум ўтмай йўқлаймиз. Оила катта бўлгандан кейин, унинг яхши-ёмон кунларим бўлади. Бундай пайтларда ҳамманинг ўз ўрни бор. Нимасини айтай, буларнинг ҳаммаси яхши ташвишлар. Айниқса, энг улуғ, энг азиз мустақиллик айёмини кутиб олиш ғоят ҳаяжонли десам, янглишмайман. Қани, ҳар куни шундай ташвиш билан юрсанг, яшасанг,— **дейди Мирзо Улуғбек туманидаги «Ҳумоюн» маҳалласи оқсоқоли Зикрилла Эрматов.**

Дарҳақиқат, шундай юртда яшагандан кейин ким ҳам истиқлолнинг абадий бўлишини, мустақиллик қуёши кўк тоқидан туриб бизни беминнат нурлари билан сийлаб туришини истамайди, дейсиз. Айниқса, озодликда кечаётган 16 йил халқимиз учун кўплаб имконият эшикларини очди. Азалий қадриятлар ўзимизга қайтди. Маҳалла деб аталмиш аҳиллик қўрғони қайта тикланди. Ўзбекча қилиб айтсак, қариганингда сени тинглаб, бир пиёла чойга чақирувчи, қийналганингда елка тутувчи жамоа тузилди. Энг муҳими, бу жамоа ўзингникилар — кўни-қўшнинг, дўст-биродаринг, ака-уканг — маҳалланг... Айтишади-ку биргаликда тортилган дард — дард эмас, ёлғизликда ўтган тўй эсда қолмас, деб. Шу маънода маҳалла бирдамлик тимсоли. Зеро, биргаликда қўшиқ айта олган миллат — ҳур миллат. Уни ҳеч қачон ҳеч қандай куч енга олмайди.

Келинг, шу ўринда сўзимиз аввалида тилга олганимиз «Ҳумоюн» маҳалласининг бугунги ишларига бир назар ташлайлик. Бу ерда ҳозир 2 та корхона, 5 та озиқ-овқат дўкони, 2 та маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга отахонлар маҳалла чойхонасидай файзли масканда гурунг қилишса, ёшлар ўз қўллари билан парваришлаган дарахтлари соясида дам олишади. Болалар эса спорт майдонларида копток тепиб чиниқишади. Бундан ташқари, кунда бўлмаса-да, кунора маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб туриш ҳам яхши анъанага айланган. Буларнинг натижасида бир неча йилдирки, ушбу маҳалла юртимиз бўйлаб ўтказилаётган «Энг обод маҳалла», «Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли» каби қатор кўрик-танловларда совринли ўринларни қўлдан бермай келаяпти.

— Биз ҳар йили мустақиллик кунини бирор янгилик билан кутиб оламиз, — дейди оқсоқол. — Ўтган йили байрам арафасида болалар спорт майдончасини қуриб битказган эдик. Шу билан бирга ҳудудимизда 2 та ишлаб чиқариш корхонаси иш бошлаган. Бу йил яна бир хусусий корхона фаолият бошлайди. Шунингдек, байрам арафасида маҳалла ҳудудидаги иккита фавворани қайта таъмирладик. Хиёбонга болаларнинг ҳордиқ чиқариши, маза қилиб дам олиши учун ўриндиқлар ўрнатдик.

Ҳа айтганча, бу йил «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши муносабати билан ёрдамга муҳтож оилаларга бўлган эътибор янада кучайди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотганлар, якка-ёлғиз қариялар, ногиронларга бир миллион бир юз минг сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатилди. Байрам арафасида уч юз кишилик дастурхон ёзилиб, кўнгил кўтаришдек савобли амалга қўл урилди.

— Нафақага чиққандан кейин ҳеч кимга керак бўлмай қоласан, деб айтарди кексалар, — дейди пенсионер Соҳиб Назаров. — Билмадим, балки илгарилари шундай бўлгандир. Лекин ҳозир бунинг акси. Маҳаллада тўй-маърака борми, бирор маслаҳатли ишми, барчасида биз кексалардан йўл-йўриқ сўрашади. Билганимизча ўргатамиз, кези келганда енг шимариб ишга ҳам тушиб кетаверамиз.

— Авваллари маҳаллада одамлар билан бир пиёла чой устида байрам қилиш қаёқда эди, — дейди Саидкарим ота Темуров. — Оллоҳга беадад шукурлар бўлсинки, бугун мустақиллигимизнинг 16 йиллик тўйини нишонлаяпмиз. Бу куннинг нималигини, қандай улуғ байрам эканлигини одамларимиз дилдан ҳис қила билишяпти.

Ҳа, озод миллатгина озодликнинг қадрига етади. Биз бугун биргина маҳалланинг қувончига, яхши ташвишига шерик бўлдик. Энг муҳими, миллионлаб одамлар худди шундай кайфиятда, байрам руҳи бутун юртимиз маҳаллаларига, шаҳару қишлоқларига кўчган...

Жасур ҲУСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Козим ЎЛМАСОВ олган сурат

ОЙ ВА МАРСГА ПАРВОЗЛАР УЧУН

Американинг NASA фазовий агентлиги Ой ва Марс учун парвозларга мўлжалланган Ares-1 янги элтувчи ракетанинг юқори босқичини тайёрлаш учун бош пудратчи сифатида «Boeing» корпорациясини танлади. Агентлик расмий вакилининг сўзларига кўра, битимнинг умумий қиймати 1,13 млрд. долларга тенг. NASA режаларига мувофиқ Ares-1 ҳозирги Шатллар ўрнига келадиган Orion фазо кемаларини орбитага олиб чиқади.

Ушбу қаттиқ ёнилғили ракета 25 тоннага қадар юкни бемалол кўтара олади. Бундан янада оғирроқ бўлган Ares-5 элтувчиси ёрдамида эса салкам 130 тоннали юк модуллари фазога олиб чиқилади. Сўнгра «Орионлар» орбитада юк модуллари билан туташтирилади, Ер-Ой ва Ер-Марс йўналишлари бўйича парвоз этади. Президент Буш 2020 йилга қадар Ойга тўртта астронавтни тушириш, 2030 йилга бориб эса олти кишидан иборат экипажни Қизил сайёрага юбориш вазифасини қўйган.

ЖАҲОННИНГ ЭНГ КАТТА КАЗИНОСИ

Хитой Макаосида очилган жаҳондаги энг катта қиморхона 850 та ўйин столи ва 4,1 мингта автоматдан иборат. Американинг Las Vegas Sands корпорацияси мазкур лойиҳага 2,4 млрд. доллар сармоя киритган. «Венеция услубида» бунёд этилган ҳашаматли кўнгилочар йирик мажмуа қирқ қаватли меҳмонхонадан, улкан савдо-сотиқ марказидан, майдони 3 минг кв. метр бўлган кўргазмалар павильонидан, 15 минг томошабинга мўлжалланган майдондан иборат. Шуни айтиш керакки, жами ушбу ҳудудда 90 та «Boeing-747» ҳаво кемаси жойлашиши мумкин.

Тахминларга кўра, шаҳардаги қимор бозорининг анчагина қисмини назорат этадиган «Венеция Макаоси» муассасасида 15 минг киши хизмат кўрсатади.

НОЁБ ТОПИЛМА

Жанубий Африка Республикасида катта олмоснинг топилиши тарихи қизиқ тус олаяпти. Мамлакат фойдали қазилмалар вазирлиги ва олмос палатаси куни кеча топилган 7 минг каратли соф олмос ҳақида бирон нарса билмаслигини тасдиқламоқда. Жанубий африкалик етакчи мутахассис Лес Милнер эса бундай тошнинг мавжудлигига ишонқирамаяпти.



Гап шундаки, «Two point five construction» компанияси оғирлиги салкам бир ярим килограмм бўлган яшилсимон олмос топганлигини маълум қилганди. Гўёки уни ЖАР шимоли-ғарбидаги қурилиш ишлари чоғида экскаватор чўмичидан олишган. Ҳозир компания бундан кейин қандай иш тутиши борасида адвокатлар билан маслаҳатлашмоқда. Олмос эса банк депозиторийсида сақланмоқда.

ЭКСКАВАТОР БИЛАН ТЎҚНАШУВ

Вена яқинидаги Гумпольдскирхеп шаҳрида йўловчи поезд экскаватор билан тўқнашиб кетган. Зарба кучлилигидан локомотив издан чиққан. Поезддаги бир йўловчи жароҳатланган, экскаватор ҳайдовчиси эса тўқнашув рўй беришидан олдинроқ машинадан сакрашга улгурган. Ҳозирча бу фалокатнинг қай тарзда юз берганлиги равшан эмас. Афтидан экскаватор темир йўлга жуда яқин жойда турган бўлиши мумкин.



КЎП ҚАВАТЛИ УЙНИНГ ҚУЛАШИ

Ҳиндистоннинг Мумбай (Бомбей) шаҳрида олти қаватли уй қулаб тушди. Дастлабки маълумотларга кўра, етти киши жароҳатланган, қурбонлар ва харобалар остида қолганлар ҳақида ҳозирча маълумотлар йўқ. Шуни айтиш керакки, Мумбайда охирги пайтда уйлар қулаши кўп кузатилмоқда. Шулардан энг жиддийси 18 июлда рўй берганди, ўшанда 29 киши қурбон бўлди. Биринчи қаватда жойлашган заргарлик дўконининг эгаси уйнинг асосий устунларидан бирини олдириб ташлаганидан сўнг бино қулаб тушди.

ГУЛХАН ЁҚИБ...

Ялтанинг тоғли-ўрмон қўриқхонасида 50 гектардан ортиқ ўрмон ёнмоқда. Қрим маъмуриятининг хабарига кўра, ёнғин харьковлик сайёҳнинг қутқарувчилар эътиборини жалб этиш мақсадида гулхан ёққанидан сўнг келиб чиққан. Иссиқ ҳаво ва қаттиқ шамол ёнғиннинг тез тарқалишига олиб келган.

Ёнаётган ўрмондаги машинадан икки кишининг жасади топилган. Ёнғинни ўчиришга 800 дан ортиқ киши ва 40 дона техника жалб этилган.

Жаҳон ахборот манбалари асосида тайёрланди.



Ноёб топилма

ДАЛВАРЗИНТЕПА

ШАҲРИСТОНИНИНГ ШИМОЛИ-ШАРҚИДАГИ БУДДА ИБОДАТХОНАСИДАН ИККИТА ҲАЙКАЛ ТОПИЛДИ

Кушонлар империясининг пойтахти бўлган Далварзинтепа эрамизнинг 1-4 асрларида гуллаб-яшнаган марказ бўлган. Чамаси 47 гектар ҳудудни эгаллаган шаҳристон подшоҳ саройи ва шаҳарчадан ташкил топган. Мудофаа деворининг баландлиги — 10 метр, узунлиги 2,5 километрдан иборат... Орадан қарийб 1600-1800 йил ўтса-да, у ҳамон ўз таровати, фусункорлиги, қимматини йўқотмай келмоқда. Изланишлар натижасида бу ерда қадимда кўркам сарой, гуркираган шаҳар, ажойиб арк, нақшинкор уйлар бўлганлиги аниқланди. Энг қадимги шоҳмот доналари, бетакрор мис ва кумуш тангалар, турфа тақинчоқлар, такрорланмас зебу зийнатлар, катта-кичик хумлар бунинг исботи. Будда, бодхисавта ва бошқа кўплаб ҳайкаллар ҳам айнан Далварзинтепа туҳфасидир.

— Мустақиллик шарофати билан ҳамкорлигимиз янада ривожланди, — дейди япониялик археолог-олим Кояма Мицуру. — Ўтган йиллар давомида тадқиқотчиларимиз бир неча бор Далварзинтепада бўлишди. Бу макон ҳар йили янгидан-янги топилмалари билан жаҳонни лол қолдирмоқда. Ўнга яқин одам скелети, жанг қуроллари, қувурлар, тагқурси, аёллар тақинчоқлари, мис ва қадимий тангалар бунга мисол.

— Жорий йилнинг 17 августида японялик археологлар билан навбатдаги қазилма ишларини бошлагандик, — дейди экспедиция раҳбари, археолог Баҳодир Турғунов. — 23 август куни шаҳристондаги Будда ибодатхонасининг шимоли-шарқидаги иккита хонада қадимий ҳайкалларга дуч келинди. Чамаси икки метрлар ер остидан қазиб олинган бу топилманинг биринчисида аёлнинг юз қисми акс этган. Аммо унда аёл тасвирининг бир томонигина сақланиб қолган экан. Сочи ўнг томонга турмакланган, ганчдан тайёрланган санъат асарига дид билан ишлов берилган. Юздаги қизғиш ранглар асрлар давомида ҳам ўз тароватини йўқотмаган.



Қўшни хонадан қазиб олинган иккинчи топилма — одам бош қисми бўлиб, у аслзода ёки шаҳзоданики эканлиги кўриниб турарди. Унинг бошидаги кулоҳ шундан далолат. У яхши сақланган. Чеҳраси очиқ ва юзи қизил рангда бўлган ўсмир ҳайкалининг бўйи 1 метрга яқин. Аммо унинг қўл ва оёқ қисмлари атрофда сочилиб ётарди. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, устозода дастлаб қизил ранг билан ишлов бериб, сўнгра гипсдан ишлов берган. Ноёб топилмалар Кушон-Сосонийлар даври — эрамизнинг 3-4 асрларига оиддир. Кўҳна Далварзинтепа эса яна кўплаб, айни чоғда бебаҳо ёдгорликлари билан бизга номаълум бўлган сирсиноатлардан воқиф қилади, энг қадимги давлатчилигимиз тарихидан сўзлайди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

16 ЙИЛЛИККА — ИНШООТ

Навоий вилоятида кончилару саноатчилар, кимёгарлару олтинтопарлар, қўйинг-чи, мустақилликнинг 16 йиллигини муносиб кутиб олишга бел боғлаган барча касб эгалари «16 йилликка — 16 иншоот» шиори билан меҳнат қилмоқдалар. Қўллаб-қувватлашга арзигулик бу ташаббус ҳозир вилоят, шаҳар ва туманларида кенг авж олиб, янги-янги мактаблар, коллежлар, турар жой бинолари кетма-кет ишга топширилмоқда.

— Фаолият бошлаганига чорак асрдан ошган Навоий давлат педагогика институти куни кеча замонавий ўқув корпусига эга бўлди, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари Салоҳиддин Самадов. — Навоий шаҳрининг «Умид» қўрғонида институт жамоаси янги 4 қаватли бинони қабул қилиб олди. Унинг ёнида 120 талабага мўлжалланган шинамгина ётоқхона ҳам ишга тушди. Навбаҳор туманида 540 ўринли педагогика, вилоят марказида эса спорт ва спорт ишлари коллежлари ҳам фойдаланишга топширилди.

— Гап фақат ўқув муассасалари ёхуд уларнинг замонавий жиҳозларида эмас, — дейди вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш инжиниринг компанияси раиси Баҳодир Мансуров. — Муҳими, яратилаётган, қуриб ишга туширилаётган ҳар бир иншоотнинг ёш авлод таълим-тарбиясида тутган ўрнида. Бундай иншоотлар қаторига Нурота туманидаги 8-, 11-, Конимех туманидаги 9-, 39-, Навбаҳор туманидаги 7-, 15-мактабларни ҳам киритиш мумкин. Кўп қаватли, компьютер технологиялари ва чет эл грантларига эга мазкур мактаблар, шубҳасиз, ёш авлод билимининг чуқур ва кенг қамровли бўлишига хизмат қилади.

— «16 йилликка — 16 иншоот», деганда биргина ўқув муассасаларини эмас, вилоятдаги маданий-маиший бинолар, қишлоқ спорт комплекслари, қишлоқ врачлик пунктларини ҳам назарда тутганмиз, — суҳбатга аралашди вилоят қишлоқ қурилиши масъулияти чекланган жамият раиси Қаҳрамон Файзиев. — Барча қулайликларга эга «Истиқлол» спорт комплекси, Хатирчидаги замонавий қишлоқ врачлик пункти, Зарафшондаги турар жой бинолари ҳам энг улуғ, энг азиз байрамимизга муносиб совғадир...

Музаффар ШАРОПОВ

ДЎСТЛИК ТАРОНАСИ ЭТАДИ ДАВОМ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ингелия КАРЛСОН, ижрочи (Швеция):

— Гўзал ва бетакрор Самарқандда ўтаётган фестивалда илк бор иштирок этмоқдаман. Бу ернинг иқлими ва тарихий уйғунликда безатилган Регистон майдони менинг ҳайратимни оширди.

Юртдошларингиз санъатсевар халқ экан. Ҳар кеч майдон узра одамлар тирбанд бўлишади. Яна галма-гал саҳнага чиқишаётган турли давлат ижрочиларини олқишлаб туришдек олижаноб эътиборни айтмайсизми?

Фестиваль баҳонасида шаҳарнинг тарихий обидаларини томоша қилдим. Айниқса Шоҳи Зинда, Бибихоним масжид-мажмуасидаги юксак меъморий ечимга эга санъат намуналари менга ёқди.

Константин РУСНАК, ижрочи (Молдава):

— Аввало, турли миллат вакилларини бир жойга йиғиб, фестиваль баҳонасида дўстлик, ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаётган мамлакатингиз ҳукуматига минг раҳмат. Бизнинг юртимизда, халқимизда Ўзбекистонга, қадим Самарқандга қизиқиш катта. Дунёнинг кўп давлатларида бўлганман. Лекин Самарқанд диёридагидек бахтиёр ва кўтаринки кайфиятда бўлмаганман. Бир томонга қарасангиз мозий билан сирлашасиз. Бир томонга қарасангиз бетакрор, гўзал ва замонавий шаҳар мўъжизакорлигига кўзингиз тушади.

Фестивалда ўз дастурларимиз билан чиқиш қилмоқдамиз. Насиб этса, совринли ўринлардан бирини қўлга киритиш ниятимиз бор.

Азиз ЮНУСОВ меҳнат фахрийси (Самарқанд):

— Шундай саодатли кунларга етказганига шукур. Анъанавий тусга кирган фестиваль йилдан-йилга равнақ топиб келмоқда. Мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида она шаҳримизнинг қутлуғ 2750 йиллик юбилейлари билан ҳамоҳанг ўтаётган мафтункор оҳанглар танлови — «Шарқ тароналари» VI халқаро мусиқа фестивали халқаро дўстликни улуғловчи энг муҳим тадбирлардан бири бўлиб қолиши шубҳасиз.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Интер-спорт

ТИБЕТ СОЙЛАРИ БЎЙЛАБ

Шу йилнинг октябрь ойида Россия саёҳатчилар жамоаси аъзоларидан бир гуруҳи навбатдаги Олимпия ўйинлари ўтказиладиган Хитойга «Сув ва олов йўли бўйлаб» саёҳатга чиқадилар. Саёҳатчилар гуруҳи иккига бўлинган ҳолда ҳаракат қилишади. Биринчи гуруҳ шўх сойларда қайиқларни бошқариш усталаридан иборат бўлиб, Салуин дарёсида минг километр йўлни босиб ўтишлари кўзда тутилмоқда. Бу йўлнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, дарё соҳилларида қадимий қишлоқлар мавжуд бўлиб, ўзига хос ҳаёт тарзи билан танишиш мумкин бўлади. Иккинчи гуруҳ эса мамлакат пойтахти Пекинга олиб бориладиган Олимпия машъаласи йўлида сузиб боради. Ҳар иккала гуруҳ аъзоларининг Олимпия ўйинлари арафасида Пекинда учрашиши мўлжалланмоқда.

МУРАББИЙ ОРТИҚЧА ГАПИРМАГАНДА...



УЕФА Франция терма жамоаси бош мураббийи Раймон Доменекни бир учрашувдан четлатиб, ўн минг Швейцария франки ҳисобида жарима тўлашга қарор чиқарди. Маълум бўлишича, у 1999 йили Франция ва Италия учрашуви олдидан ана шу ўйин рақиблар томонидан сотиб олингани ва оқибатда Италия футболчилари 2:1 ҳисобида ғалаба қозонгани хусусида бўлар-бўлмас гапларни айтган. УЕФА эса мураббийнинг бундай ножўя ҳаракатларига нисбатан ўз муносабатини билдириб, 8 сентябрь куни Милан шаҳрида Италия — Франция учрашуви чоғида унинг стадионда ўтириши мумкин эмас, деган хулосага келди. Мураббий эса шу учрашув вақтида стадиондан ташқарида қўл телефони билан мулоқот қилиб туриши мумкин. Эслатамиз, Европа чемпионати саралаш гуруҳида ўн саккиз очко билан етакчилик қилаётган Франция терма жамоаси Италия футболчиларидан икки очко олдинда бормоқда.

«ТОШКЕНТ ВИНО КОМБИНАТИ»

очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

Энг улуғ, энг азиз байрам — Истиқлолнинг 16 йиллиги билан бутун халқимизни самимий муборакбод этади.

ОЗОДЛИК дунёдаги энг олий бахтдир. Зеро, комбинатимиз XIX асрнинг иккинчи ярмида — бундан 140 йил муқаддам ташкил топган бўлса-да, айнан Истиқлол йилларида том маънода ривожланди. Маҳсулотларимиз сифати юқорилиги, экологик тозалиги, табиийлиги билан кўплаб халқаро кўргазмалар, танловларда мутахассислар, жамоатчиликнинг юксак эътирофига сазовор бўлди. Иқтисодий жиҳатдан юксалиб бораётган корхонамиз бугунги кунда кўплаб хайрли тадбирларни ҳам амалга ошираяпти.

Юртимизда тўйлар, яхши маросимлар кун сайин кўпаяверсин!
ОЗОД, ЭРКИН, МУСТАҚИЛ юртимизга кўз тегмасин!
Мамлакатимиз барча фуқароларининг мустақил диёримиз равнақи, халқимиз фаровонлиги ва юртимиз истиқболи йўлидаги шарафли меҳнатларига улкан зафарлар тилаймиз!

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Abdurasul JUMAQUL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 749
8253 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.10
Topshirilgan vaqti — 23456

Sotuvda erkin narxda